SCIENCE HUB REVIEW
2026
Volume 1
Issue 4
www.sciencehubreview.uz
ILMIY ELEKTRON JURNAL

ЎЗБЕКИСТОН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИШ ҲАҚИ ТЎЛОВЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

Маматов Нодирбек Сайдивоқосович

Қўқон университети Андижон филиали, Иқтисодиёт ва педагогика факультети декан муовини
nodirxuja77@gmail.com

Аннотация
Мақолада мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақи қандай молиялаштирилиши ва бунда қандай муаммолар борлиги кўрилди. Сўнгги йилларда иш ҳақи бир неча бор оширилди ва сертификат, тоифа, аттестация бўйича устамалар жорий этилди. Шундай бўлсада, 2026 йил январь–июнда умумий ўрта таълимда ўртача иш ҳақи республика ўртачасининг 65,8 фоизини ташкил этди (бир йил аввал 68,2 фоиз эди). Ўқувчи ва ўқитувчи нисбати ҳудудлар бўйича 8,8 дан 16,5 гача фарқ қилади, устамаларнинг умумий чегараси йўқ ва улар ўқувчи натижасига боғланмаган. Таклиф: устамаларни умумий чегарага эга ягона «касбий поғона»га бирлаштириш, тўловни ўқувчининг ўсиши ва ўқитувчи танқислиги индексига боғлаш. Кутилаётган натижа: пулнинг режали сарфи, ҳудудлар ўртасида тенгроқ тақсимот ва кучли ўқитувчиларни мактабда ушлаб қолиш. Барча ҳисоблар тахминий.

Калит сўзлар
умумтаълим мактаби, педагог иш ҳақи, қўшимча устама, миллий сертификат, малака тоифаси, ўқувчи сонига қараб молиялаштириш, танқислик индекси, натижага асосланган бюджет.

Аннотация
В статье рассмотрено, как финансируется оплата труда учителей школ и какие здесь проблемы. В последние годы зарплаты неоднократно повышались, введены надбавки за сертификаты, категорию и аттестацию. Однако в январе–июне 2026 г. средняя зарплата в общем среднем образовании составила 65,8% от среднего по республике (годом ранее — 68,2%). Число учеников на одного учителя по регионам колеблется от 8,8 до 16,5, общего лимита надбавок нет, и они не привязаны к результатам учеников. Предложено объединить надбавки в единую «профессиональную лестницу» с общим лимитом и привязать выплаты к росту учеников и индексу дефицита учителей. Ожидаемый результат:

предсказуемые расходы, более равномерное распределение между регионами и удержание сильных учителей в школе. Все расчёты ориентировочные.
Ключевые слова
общеобразовательная школа, зарплата педагога, надбавка, национальный сертификат, квалификационная категория, подушевое финансирование, индекс дефицита, бюджетирование по результатам.
Abstract
The article examines how teachers' pay in schools is financed and where the problems lie. Salaries were raised several times in recent years and allowances for certificates, qualification category and attestation were introduced. Yet in January–June 2026 the average wage in general secondary education was 65.8% of the national average (68.2% a year earlier). The number of pupils per teacher ranges from 8.8 to 16.5 across regions, there is no overall cap on allowances, and they are not tied to pupil results. The proposal is to merge allowances into one "professional ladder" with an overall cap and to link pay to pupil progress and a teacher-shortage index. Expected results: predictable spending, a more even distribution across regions and retention of strong teachers. All calculations are approximate.
Keywords
general education school, teacher pay, allowance, national certificate, qualification category, per-pupil funding, shortage index, results-based budgeting.

Кириш

Мактабда таълим сифатини энг белгиловчи бу ўқитувчидир. Шунинг учун давлат томонидан мактаб харажатларининг катта қисмини ўқитувчи иш ҳақига сарфлайди. Давлат бюджетининг 2026 йил режасида умумий ўрта таълим харажатининг 82,7 фоизи, яъни 52 677 млрд сўми иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга ажратилган. Бундан кўриш мумкинки, иш ҳақи қандай ҳисобланиши ва тақсимланиши бутун тизимнинг самарасини белгилайди.

Соҳадаги ходимларининг иш ҳақи бир неча бор оширилган, аммо мактаб ўқитувчисининг маоши иқтисодиётдаги ўртача маошдан паст ва ўртадаги фарқ иш ҳақи миқдори фоиз бўйича оширилганда кенгайиб келмоқда. Иккинчидан, ўқитувчига тўланадиган қўшимча устамалар, хусусан сертификат, тоифа, давлат тили ва бошқалар алоҳида ҳужжатлар билан киритилган, уларнинг умумий чегараси йўқ ва улар сифатни, яъни ўқувчининг ўзлаштиришига эмас, ҳужжат (сертификат) даги тўловларга боғлиқ. Учинчидан, ўқитувчилар ҳудудлар бўйича

нотекис тақсимланган, бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчи сони айрим ҳудудларда 8,8 фоиз бўлса, бошқа ҳудудда эса16,5 фоизга етган.

Дунё тадқиқотлари таълимга сарфланган пул фойдали бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Масалан, 145 та тадқиқотни умумлаштирган янги тахлилга кўра, битта қўшимча ўқув йили даромадни ўртача 10 фоизга оширади [1]. Бироқ, қўшимча ажратилган маблағнинг таъсири у қандай ишлатилишига боғлиқ [2; 3]. Шу сабабга кўра, иш ҳақи қанча эмас, қандай тизим бўйича тўланиши ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Мақсад: мактабларда иш ҳақи тўловларидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни камайтириш бўйича аниқ, ҳисоб-китобга асосланган таклифлар бериш.

Тадқиқот саволлари: сўнгги йилларда ўқитувчилар, ўқувчилар сони ва харажатлар қандай ўзгарди, мактаб ўқитувчисининг иш ҳақи бошқа соҳалар билан солиштирганда қандай, устамалар тизими етарлилик, тенглик ва самарадорлик мезонлари бўйича қандай баҳоланади, қандай тизим ва ундан қандай натижа кутиш мумкин.

Иш ҳақига қўшимча устамаларни умумий чегара, ўқувчи ўсиши ва ўқитувчи танқислиги индексига асосланган ягона “касбий поғона”га бирлаштириш механизми таклиф этилди, унинг кутилаётган натижаси тахминий ҳисоблар билан кўрсатилди.

1-жадвал. Мақолада ишлатиладиган асосий тушунчалар

Тушунча	Оддий изоҳ
Базавий тариф ставкаси	Ўқитувчи иш ҳақининг асосий қисми, устамалар унга фоиз сифатида қўшилади
Устама	Асосий маошга қўшимча тўлов (сертификат, тоифа, давлат тили ва ҳоказо)
Малака тоифаси	Ўқитувчининг малака даражаси (иккинчи, биринчи, олий)
Ўқувчи/ўқитувчи нисбати	Бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчи сони
Номинал иш ҳақи	Солиқ ва бошқа тўловлар ҳисобланган маош; қўлга тегадиган сумма эмас
Касбий поғона	Таклиф этилаётган тизим: устамалар ягона шкалага бирлаштирилади

Адабиётлар таҳлили ва методология

Пул ва натижа. Жексон ва Мацкевичиус 2024 йилда АҚШдаги тадқиқотларни умумлаштирди, унда бир ўқувчига тўрт йил давомида 1 000 АҚШ доллари қўшимча

сарфлаш тест баллларини 0,03 стандарт оширса, олий ўқув юртига кириш кўрсаткичини 2,8 фоизга оширган, кам таъминланган оилаларда айниқса кучлироқ тасъсир қилган. [2]. Хендел ва Ханушек 2023 йилда ушбу соҳани қайта кўриб чиқиб, пулнинг таъсири уни қандай ишлатишга боғлиқ эканини ва ўқитувчи иш ҳақига асосланган рағбатларнинг самараси бўйича аниқ далил йўқлигини таъкидлади [3]. Ханушек ва Вёссманн 2020 йилда ўқувчиларнинг билим даражаси мамлакат иқтисодий ўсиши билан узоқ муддатда боғлиқ эканини кўрсатган [4].

Ўқитувчи сифати ва иш ҳақи. Африка бўйича ўтказилган 2023 йилги тадқиқот ўқитувчининг фан билими ўқувчи натижасига катта таъсир қилишини ва мамлакатлар ўртасидаги ўқув натижалари фарқининг 37 фоизида акс эттирганини аниқлади [5]. Бу сертификат учун устама бериш мантиқли бўлиши мумкинлигини кўрсатади, аммо сертификат ва ўқувчи натижаси бир нарса эмас. Эванс ва бошқалар 2022 йилда Африканинг ўн беш мамлакатида ўқитувчилар ойлик иш ҳақи бошқа ходимлардан паст бўлган мамлакатларда ҳам иш соатлари ва қўшимча имтиёзлар ҳисобга олинса, ўқитувчилар доимий равишда кам маош олаётгани аниқланмаганини кўрсатди. [6].

Бизнинг фикримизча, ўқитувчи иш ҳақини бошқа касб вакиллари билан солиштирганда иш соатлари, имтиёзларни ва натижани ҳам ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатади.

2021 йилда АҚШлик тадқиқотчилар натижага асосланган иш ҳақи тўловлари бўйича 37 та илмий ишнинг натижаларини умумлаштириб таҳлил қилдилар. Таҳлилга кўра, бундай тизимнинг ўртача таъсири 0,043 стандарт бирликни ташкил этган. Бироқ бу кўрсаткич дастурнинг қандай тузилганига кучли равишда боғлиқ ҳисобланади. [7].

Молиялаштириш мезонлари ва даражалар. Оддэн ва Пикус мактаб молиясини етарлилик, тенглик ва самарадорлик мезонлари бўйича баҳолашни таклиф қилади [8]. Жаҳон банкининг 2021 йилги ҳисоботи ҳукуматлараро трансфертлар учун беш тамойилни берган, бунда:

аниқ мақсад, тенглик ва натижага эътибор, харажат фарқларини ҳисобга олиш, тушунарлилик ва очиқ маълумотлар [9].

Маҳаллий тадқиқотлар. Д.А.Шарафутдинова мактаб молиясида иқтисодий-меъёрий кўрсаткичлар тизимини самарадорлик омили деб ҳисоблаган [10]; У.Ю.Ўроқов ва ҳамкасблари таълим молиялаштириш амалиётини ёритган [11]; О.Тураев мактаб харажатлари сметасини таҳлил қилган [12]; Б.А.Умаров молиялаштиришда натижага йўналтирилган ёндашув ва рақамли назоратни таклиф этган [13]; А.Ё.Умаров Наманган вилояти мисолида ойлик иш ҳақи улуши намунавий 68 фоиз эканини ҳисоблаган [14].

Ушбу олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар харажат тузилмасини ўрганилганлигини, соҳанинг устамалар тизимини ва ўқитувчи иш ҳақининг рақобатбардошлигини таҳлил қилиш бугунги кунда аҳамиятли масалалардан эканлигини англатади.

Усуллар ва маълумотлар. Тадқиқот тавсифий статистик таҳлил, меъёрий ҳужжатлар таҳлили ва бюджет маълумотларини солиштиришга асосланади. Маълумот манбалари: Миллий статистика қўмитаси (2021/2022–2025/2026 ўқув йиллари ва 2025–2026 йил январь–июнь иш ҳақи маълумотлари), “Фуқаролар учун бюджет” нашрлари (2023–2026 йиллар).

Натижалар

Амалдаги молиялаштириш тизими

Давлат мактаблари педагогларининг иш ҳақи асосан давлат бюджетидан тўланади. Иш ҳақи базавий тариф ставкаси, малака тоифаси бўйича қўшимча ва турли устамалардан иборат. Тариф ставкалари марказлашган тартибда Президент ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан белгиланади. Иш ҳақи ҳар йили турли миқдорларда оширилади, қўшимча харажат эса йиллик харажатлар миқдори тўлиқ киритилмайди.

Масалан, 2024 йилда умумий ўрта таълим харажати 43 004,0 млрд сўм деб тасдиқланган бўлса, ижро 45 076,4 млрд сўм бўлди (4,8 фоиз ортиқ). Ижро режадан ортиқ бўлишининг сабабларидан бири иш ҳақи миқдорларини ортиши ва қўшимча харажатларга боғлиқ.

2-жадвал. Сўнгги иш ҳақи оширишлари ва қўшимча тўловлар

Сана	Тадбир
2024 йил 1 октябр	Педагог ходимлар иш ҳақи 15 фоизга, бошқа бюджет ходимлариники 10 фоизга оширилди
2025 йил 1 феврал	Давлат тили фанидан дарс берувчи ва тегишли сертификатга эга педагогларга тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида устама белгиланди
2025 йил 1 август	Бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи 10 фоизга оширилди (ПФ-91, 02.06.2025)
2025 йил 1 сентябр	Мактаб раҳбарлари маоши оширилди: директорларники 20 фоизга, ўринбосарларники 15 фоизга
2026 йил 1 январ	Директор жамғармаси ҳисобидан директор ва ўринбосарларга КПИ бўйича устама (20 ва 10 фоиз)
2026 йил 1 сентябр	Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар 7 фоизга оширилди (ПФ-115, 23.06.2026)

Манба: Президент фармонлари ва оммавий ахборот хабарлари.

Мактаблар, ўқувчилар ва ўқитувчилар таҳлили

3-жадвал. Умумтаълим ташкилотлари, ўқувчилар ва ўқитувчилар сони

Ўқув йили	Мактаблар сони	Ўқувчилар (минг)	Ўқитувчилар (минг)	Ўқувчи / ўқитувчи
2021/2022	10 289	6 304,6	510,0	12,4
2022/2023	10 522	6 461,7	521,6	12,4
2023/2024	10 750	6 645,1	547,8	12,1
2024/2025	10 943	6 776,3	564,9	12,0
2025/2026	11 118	6 870,5	577,7	11,9

Манба: Миллий статистика қўмитаси, “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим (2025/2026 ўқув йили бошига)”, 31.03.2026 й.; ўқитувчилар сони ўриндошларсиз, ўқув йили бошига; ўқувчи/ўқитувчи нисбати муаллиф ҳисоби.

Беш йилда ўқитувчилар сони 67,7 минг нафарга, яъни 510,0 дан 577,7 мингга ёки 13,3 фоизга, йилига ўртача 3,2 фоизга ошди. Ўқувчилар сони 9,0 фоизга ёки йилига 2,2 фоизга ва мактаблар сони 8,1 фоизга ошди. Натижада бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчи сони 12,4 дан 11,9 гача камайди. Бунда, иш ҳақи фондининг ўсиши фақат ставкалар ошгани билан эмас, штат кенгайгани билан ҳам боғлиқлиги кўринади. 2025/2026 ўқув йилида 1-синфга 725,3 минг ўқувчи қабул қилинди ва 6,8 фоиз кўпайди, 11-синф битирувчилари эса 452,5 минг нафар бўлди. Бу ўқувчи сонига кўра ўқитувчи эҳтиёжи ўзгаришини мумкинлигини кўрсатади.

4-жадвал. Бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчи сони, ҳудудлар бўйича (2025/2026 ўқув йили бошига)

Ҳудуд	Ўқувчилар (минг)	Ўқитувчилар (минг)	Ўқувчи / ўқитувчи
Тошкент шаҳри	562,1	34,1	16,5
Андижон	634,7	46,3	13,7
Тошкент вилояти	547,2	40,2	13,6
Наманган	571,3	42,6	13,4
Самарқанд	814,2	65,1	12,5
Фарғона	733,4	60,6	12,1
Сирдарё	165,1	14,2	11,6
Жиззах	284,6	25,7	11,1
Сурхондарё	572,8	52,3	11,0
Хоразм	377,4	35,1	10,8
Қашқадарё	688,1	65,1	10,6
Бухоро	348,4	33,4	10,4
Қорақалпоғистон	375,5	40,7	9,2
Навоий	195,7	22,3	8,8
Республика бўйича	**6 870,5**	**577,7**	**11,9**

Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоби.

Маълумотлар нисбатида Тошкент шаҳрида энг юқори (16,5), Навоий (8,8) ва Қорақалпоғистонда (9,2) энг паст; икки ҳудуд ўртасидаги фарқ 1,9 баравар экани кўрсатади. Бу **бир хил меъёр бир ҳудудда ортиқча, бошқасида етишмовчилик келтиради**, деган фикрни рақамлар билан тасдиқлайди.

Иш ҳақи даражаси ва рақобатбардошлик

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йил январь–июнда республика бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи 7 091 минг сўм бўлди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,4 фоиз кўп. Таълимда ўртача иш ҳақи 4 977 минг сўм бўлди. Таълимнинг таркибидаги, олий таълимда 12 047 минг сўм, умумий ўрта таълимда 4 669 минг сўм, мактабгача таълимда 2 721 минг сўм.

5-жадвал. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи (январь–июнь, минг сўм)

Соҳа	2025	2026	Ўсиш, %
Республика бўйича	5 982,3	7 091,0	18,5
Таълим жами	**4 141,8**	**4 977,0**	**20,2**
Умумий ўрта таълим	4 079,8	4 669,0	14,4
Олий таълим	9 574,5	12 047,0	25,8
Мактабгача таълим	2 204,2	2 721,0	23,4
Республика бўйича Умумий ўрта таълим, %	**68,2**	**65,8**	—

Манба: Миллий статистика қўмитаси (2025 ва 2026 йил январь–июнь ойлари); ўсиш ва нисбат муаллиф ҳисоби.

Жадвалдан икки хулоса келиб чиқади, биринчидан, мактаб ўқитувчиси иш ҳақи иқтисодиётнинг ўртача иш ҳақидан 2026 йил январь–июнда 65,8 фоизга паст. Иккинчидан, бу нисбат бир йилда 68,2 дан 65,8 фоизга тушди: умумий ўрта таълимда иш ҳақи 14,4 фоизга, республика бўйича 18,5 фоизга ўсди. Таълимнинг бошқа босқичларида иш ҳақи ўсиши тезроқ бўлди. Шундай қилиб, «нисбат пасайиб боряпти» деган фикр илк бор икки даврлик рақамлар билан тасдиқланди.

Харажат ҳажми йиллар кесимда барқарор ўсиб келган. Умумий ўрта таълимга давлат бюджети харажати ЯИМнинг 3,1–3,3 фоизини ташкил этган, мутлақ ҳажм 2023–2026 йилларда 39,7 трлн сўмдан 63,7 трлн сўмгача ёки 1,6 баравар ошган (6-жадвал). Бу ўсиш инфляциядан юқори бўлган: 2024 йилда харажат 13,6 фоиз ошган, истеъмол нархлари 9,8 фоиз бўлган, яъни реал ўсиш тахминан 3,5 фоиз.

6-жадвал. Умумий ўрта таълим бўйича давлат бюджети харажатларининг ЯИМдаги улуши

Йил	Харажат (млрд сўм)	ЯИМ (трлн сўм)	ЯИМдаги улуши, %	Маълумот тури
2023	39 683	1 204	3,3	ижро
2024	45 076	1 455	3,1	ижро
2025	54 023	1 721	3,1	режа
2026	63 684	1 976	3,2	режа (лойиҳа)

Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, «Фуқаролар учун бюджет» нашрлари (2024 йил ижроси; 2025 ва 2026 йиллар лойиҳалари).

Раҳбарлар иш ҳақидаги табақалашув

7-жадвал. Мактаб раҳбарларининг ойлик иш ҳақи (сўм, ҳисобида)

Ўқувчилар сони	Директор	Директор ўринбосари
400 нафаргача	5 528 139	5 163 119
401–880	5 902 718	5 528 139
881–1600	6 259 169	5 902 718
1600 дан ортиқ	6 621 088	6 259 169

Манба: муаллиф ҳисоби: ПФ-91 бўйича 2025 йил 1 август ставкалари × 1,07 (ПФ-115).

Энг катта 1600 дан ортиқ ўқувчили мактаб директорининг иш ҳақи энг кичик 400 нафаргача мактаб директорининг иш ҳақидан 19,8 фоиз юқори холос, бунда 6 621 088 − 5 528 139 = 1 092 949 сўм шаклланади.

Ўқувчилар сони эса камида тўрт баравар, кичик қишлоқ мактаблари ҳам киргани учун ўн баравардан ортиқ фарқ қилиши мумкин. Демак, табақалаш бошқарув мураккаблигини тўлиқ акс эттирмайди.

Қўшимча устамалар тизими

Базавий ставкага қўшимча равишда педагогларга бир неча доимий ва мақсадли устама тўланади. Улар турли вақтда, турли ҳужжатлар билан киритилган.

8-жадвал. Умумтаълим мактаблари педагогларига тўланадиган асосий устамалар

Устама тури	Шарти	Миқдори
Давлат тили	Давлат тили фанидан дарс бериш ва миллий сертификат	Тариф ставкасининг 50 фоизи (01.02.2025 дан)
Хорижий тил: халқаро сертификат (CEFR, IELTS ва ҳ.к.)	Рўйхатга киритилган сертификат	50 фоиз
Хорижий тил: миллий сертификат (БМБА)	Миллий тизимдаги сертификат	2025 йил 1 январга қадар 50, ундан сўнг 20 фоиз
Фан бўйича сертификатлар (SAT, GRE, GMAT ва ҳ.к.)	Қўшма қарор рўйхати (2024 йил апрель); юқори синфларда шу фандан дарс берувчиларга	50 ёки 20 фоиз
Малака тоифаси ва аттестация	Олий ёки биринчи тоифа, 86 ва ундан юқори балл	Базавий ставканинг 70 фоизи, 2 йил
Етакчи ўқитувчи	Малака мезонларига мослик	20 фоиз
Директор жамғармаси	Мактабнинг ўз жамғармаси ҳисобидан, директор қарори билан	40 фоизгача
Янги баҳолаш тизими	Юқори кўрсаткичларга эришганлик	40 фоизгача
Менежерлик сертификати (раҳбарлар)	Сертификатга эга директор ва ўринбосарлар	Директорга 50, ўринбосарга 30 фоиз
КПИ устамаси (раҳбарлар)	Директор жамғармаси ҳисобидан, 2026 йил 1 январдан	Директорга 20, ўринбосарга 10 фоиз
Вазир жамғармаси, «Йил ўқитувчиси», олис ҳудудлар	Танлов ёки белгиланган тартиб	Расмий ҳужжат билан белгиланади

Манба: Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва оммавий ахборот манбалари (talimxabarlari.uz, anhor.uz, yuz.uz).

Устамаларнинг амалиётдаги қўлланиш тартиби

– Сертификат устамаси ўзи дарс берадиган фан бўйича сертификат бўлганда тўланади (соатбай ва ўриндош ўқитувчиларга ҳам).

– Бир фан бўйича бир нечта сертификат бўлса, устамалар қўшилмайди: фақат энг юқориси тўланади.

– Тоифа устамаси (70 фоиз) малака синовининг икки босқичида қатнашиб, олий ёки биринчи тоифага эришган ва 86 балл олган педагогларга 2 йилга берилади.

– Бошланғич синф ўқитувчилари GRE, GMAT, SAT бўйича устама олмайди; улар фақат БМБА миллий сертификатлари бўйича устама олади.

– Назарий максимум: тоифа (70), сертификат (50) ва директор жамғармаси (40) йиғиндиси базавий ставканинг 160 фоизи, яъни маошнинг 2,6 баравари. Етакчи ўқитувчи (20) ва янги баҳолаш (40 гача) ҳам қўшилса, 220 фоизгача (3,2 баравар) бўлиши мумкин.

9-жадвал. 70 фоизлик устама олган педагоглар сони

Аттестация даври	Устама берилган педагоглар сони
2025 йил январь–июнь	4 198
2025 йил август–декабрь	4 038
Жами (икки давр)	8 236

Манба: Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги буйруқлари бўйича talimxabarlari.uz маълумотлари. Баъзи педагоглар иккала даврда ҳисобга олинган бўлиши мумкин.

Қамраб олиш ва молиявий таъсир. 8 236 нафар педагог жами 577,7 минг ўқитувчининг 1,4 фоизини ташкил этади, яъни 70 фоизлик устаманинг қамрови кичик.

Бизнинг ҳисобимизга кўра, олий тоифали ўқитувчининг ойлик иш ҳақи 2025 йил 1 августдан 5 142 053 сўм бўлса, 2026 йил 1 сентябрдан 7 фоиз оширилгач 5,50 млн сўм бўлди. Шунда 70 фоизлик устаманинг йиллик қиймати битта педагог учун ижтимоий солиқларсиз 46,2 млн сўм.

Педагогларинг 8 236 нафариг учун 381 млрд сўмни ташкил этган маблағ 2026 йил йиллик режанинг 0,6 фоизилик улушига тенг. Қамров даражаси ўқитувчиларнинг 10 фоизига етса 2,7 трлн сўм ёки 4,2 фоизга, агарда 25 фоизига етса 6,7 трлн сўм 10,5 фоиз тўғри келади. Демак, «бюджет мажбурияти кескин ўсади» деган фикр тўғри, аммо ҳозирги қамровда молиявий таъсир жуда кичик миқдорда эканлигини кўрсатади.

Устамаларнинг салбий оқибатлари ва асосий муаммолар

– **Беқарор даромад.** Устамалар муддатли (70 фоиз — икки йил) ва қайта синовга боғлиқ. Шунинг учун педагогнинг даромадини режалаштириш қийин.

– **Тенгсизлик.** Бир хил юклама ва сифат билан ишлайдиган икки ўқитувчи сертификат рўйхатида фани борлиги ва фан танлашига қараб турлича маош олади. Бошланғич синф ўқитувчилари ва сертификат рўйхатда йўқ бўлган фанлар ўқитувчиларига имконият мавжуд эмас.

– **Катта фарқ.** Устамалар йиғилганда бир хил тариф ставкасидаги педагоглар ўртасида фарқ 2,6 баравар бўлиши мумкин. Бу кучли педагогларни рағбатлантириши мумкин, аммо мезонлар ўқувчи натижасига боғланмагани учун адолатсизликни кучайтиради. Бироқ, ҳозирги кунда 70 фоизлик устама ўқитувчиларнинг 1,4 фоизигагина тегишли.

– **86 балл чегараси.** 85 балл олган педагог 70 фоизлик устамадан тўлиқ маҳрум, 86 балл олган тўлиқ олади. Баллар орасида кичик фарқ тест ўлчов хатоси доирасида бўлиши мумкин. Градуллашган шкала йўқ.

– **Чегара йўқ.** Сертификатга эга педагоглар сони ошган сайин бюджет мажбурияти автоматик ортади, унга юқори чегара белгиланмаган.

– **Жамғарма устамалари.** Директор жамғармасидан устама 40 фоизгача ва вазир жамғармаси устамалари маъмурий қарорга боғлиқ, шунинг учун субъективлик хавфи бор.

– **Ҳудудий нотекислик.** Кичик қишлоқ мактабларида ўқувчи кам, лекин доимий харажат бор, шаҳарда эса ўқитувчи етишмайди. Бир хил меъёр бир жойда ортиқча, бошқа жойда етишмовчилик келтиради.

Муҳокама

Таклиф: ягона «касбий поғона»

Амалдаги устамалар асосан сертификат, тоифа, балли боғланган, ўқувчилар ўсиши, мактаб натижаларига ва молиявий имкониятга боғланмаган. Улар алоҳида ҳужжатлар билан киритилган ва умумий чегара йўқ. Бунинг учун қуйидаги механизм таклиф этамиз:

устамаларни ягона «касбий поғона»га бирлаштириш, умумий чегара белгилаш, сертификат ва тоифани тўловнинг шарти сифатида сақлаб, тўлов миқдорини ўқувчиларнинг ўсиши, ментор роли ва ҳудуд-фан танқислик индексига боғлаш;

ҳар бир янги устама учун таъсирни баҳолаш ва натижа бермаса тугатиш қоидасини киритиш.

Танқислик индекси. Ҳудуд (r) ва фан (f) бўйича ҳисобланади:

вакант ставкалар ва ўриндош ёки соатбай ўқитувчилар бажараётган дарс соатларининг жами дарс соатларидаги улуши.

ТИ(r, f) = (вакант ставкалар + ўриндош ва соатбай ўқитувчилар соатлари) / жами дарс соатлари

Устама ТИ белгиланган даражадан юқори бўлган ҳудуд-фан жуфтликлари учун берилади. Бу дастлабки таклиф, даража кўрсаткичлари тажриба асосида аниқланади.

Битта педагог учун барча устамалар йиғиндиси базавий ставканинг белгиланган улуши билан чекланади, масалан, 100 фоизлик балла асосида; Чегарадан ошган ҳолда устамалар сертификат ва тоифа, натижа ва танқислик қисмлари бўйича мутаносиб қисқартирилади.

Балл ўрнига ўқувчиларнинг бошланғич даражасига нисбатан ўсиши ва мактаб шароити ҳисобга олиниши керак, акс ҳолда кичик, қишлоқ ва узоқ ҳудуд мактабларида имконият камлигича қолади.

Таклифлардан нималар кутилади?

11-жадвал. Таклифлардан кутилаётган натижалар

Таклиф	Кутилаётган натижа	Қандай ўлчанади	Эҳтиёт
Устамаларга умумий чегара	Молиявий мажбурият олдиндан режалаштирилади. Чегарасиз ҳолда қамров 25 фоизга етса, 70 фоизлик устама ўзи 6,7 трлн сўм (бюджетнинг 10,5 фоизи) талаб қилиши мумкин	Устамалар йиғиндисининг базавий ставкага нисбати	Ўтиш даврисиз олинган ҳуқуқларга зарар етиши мумкин
Иш ҳақи нисбатини тиклаш (иш ҳақи оширишнинг ўзи)	Мактаб иш ҳақининг республика ўртачасига нисбатини 68,2 фоизга қайтариш иш ҳақи фондини тахминан 3,6 фоизга (1,9 трлн сўм), 75 фоизга етказиш 13,9 фоизга (7,3 трлн сўм) оширишни талаб қилади	Умумий ўрта таълим / республика ўртача иш ҳақи, %	Тахминий ҳисоб: ўқитувчилар сони ўзгармайди деб олинган
Танқислик индекси бўйича устама	Етишмайдиган ҳудуд ва фанларга кадрлар жалб қилинади, ўқувчи/ўқитувчи нисбатидаги фарқ (8,8–16,5) қисқаради	Нисбатнинг ҳудудлар бўйича тарқоқлиги; вакансиялар ва соатбай соатлар улуши	Индекс сифати маълумот базасига боғлиқ
Натижага боғланган қисм	АҚШ тадқиқотларида ўртача таъсир 0,043 стандарт оғиш (тахминан 3 ҳафта қўшимча ўрганиш) [7]; Ўзбекистонда кичикроқ ёки бошқача бўлиши мумкин	Ўқувчи баллининг бошланғич даражага нисбатан ўсиши	Таъсир дастур тузилишига боғлиқ [7]
86 балл чегарасини градуллаштириш	Чегара яқинидаги адолатсизлик ва низолар камаяди	Апелляциялар сони; чегара яқинидаги педагоглар улуши	Тест ишончлилиги маълумоти керак
Ўқитувчи сифатини ошириш (сертификат ва билимга эътибор)	Ўқитувчи фан билими ўқувчи натижасига катта таъсир қилади [5]; сертификатга боғланган устама тўғри тузилса, билимни рағбатлантиради	Сертификатли ўқитувчилар улуши; ўқувчи натижаси	Сертификат ва синфдаги самара бир нарса эмас

Манба: муаллиф ҳисоби ва таҳлили [5; 7].

Давр бўйича кутилма. 2027 йилда танқислик индекси ва ўқувчи/ўқитувчи нисбати ҳудудлар кесимида эълон қилинади ва бир ҳудудда синов (пилот) бошланади. 2028–2029 йилларда чегара ва поғона киритилади. 2030 йилгача пилот натижалари бўйича тизим кенгайтирилади ёки тугатилади. Ҳар бир босқичда

натижа кўрсаткичлари (иш ҳақи нисбати, ўқувчи/ўқитувчи нисбатининг тарқоқлиги, устамалар йиғиндиси) эълон қилинади.

Хулоса

Сўнгги йилларда иш ҳақи бир неча бор оширилгани ва қўшимча устамалар жорий этилганига қарамай, молиялаштириш тизими етарлилик, тенглик ва самарадорлик мезонлари бўйича тўлиқ такомиллашмаган. 2026 йил январь–июнда умумий ўрта таълимда ўртача иш ҳақи республика ўртачасининг 65,8 фоизини ташкил этди, бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчи сони ҳудудлар бўйича 8,8 дан 16,5 гача фарқланади, 70 фоизлик устаманинг қамрови эса ҳозирча 1,4 фоиз. Устамалар фискал чекловсиз, сертификатга боғланган ва таъсири баҳоланмаган. Устамалар йиғилганда бир хил ставкадаги педагоглар ўртасида 2,6 баравар фарқ пайдо бўлиши мумкин.

Тавсия этилади:

– устамаларни умумий чегарага эга ягона касбий поғонага бирлаштириш; сертификат ва тоифани кириш шарти, тўловни эса ўқувчи ўсиши, ментор роли ва танқислик индексига боғлаш;

– ўқувчи сонига қараб молиялаштиришни ҳудудий коэффициентлар ва кичик қишлоқ мактаблари учун ўзгармас компонент билан жорий этиш;

– 86 балл чегарасини градуллашган шкала билан алмаштириш;

– директор ва вазир жамғармаси устамаларини очиқ балл-формулага ўтказиш;

– учйиллик бюджет прогнозида ўқитувчилар сони, иш ҳақи ва устамалар қамровини олдиндан ҳисобга олиш;

– мактаблар кесимида иш ҳақи фонди ва ўқувчилар сони бўйича очиқ маълумот порталини юритиш;

– таъсирни пилот ҳудудларда баҳолаб, тизимни кенгайтириш ёки тугатиш.

Кутилаётган натижа харажатлар олдиндан режалаштирилади, ҳудудлар ўртасида ўқитувчи тақсимоти тенглашади, кучли ўқитувчилар мактабда қолади ва иш ҳақи нисбати қайта кўтарилиши мумкин. Бу натижалар тахминий ва пилот асосида тасдиқланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Patrinos H.A., Psacharopoulos G. Causal Returns to Education // International Journal of Educational Development. 2026. Vol. 122.

2. Jackson C.K., Mackevicius C. What Impacts Can We Expect from School Spending Policy? Evidence from Evaluations in the United States // American Economic Journal: Applied Economics. 2024. Vol. 16, No.

3. P. 412–446. DOI: 10.1257/app.20220279.

4. Handel D.V., Hanushek E.A. U.S. School Finance: Resources and Outcomes // Handbook of the Economics of Education. Vol.

5. Amsterdam: North-Holland, 2023. P. 143–226.

6. Hanushek E.A., Woessmann L. Education, Knowledge Capital, and Economic Growth // The Economics of Education. 2nd ed. London: Academic Press, 2020. P. 171–182. DOI: 10.1016/B978-0-12-815391-8.00014-8.

7. Bietenbeck J., Irmert N., Sepahvand M.H. Teacher quality and cross-country differences in learning in francophone Sub-Saharan Africa // Economics of Education Review. 2023. Art. 102437. DOI: 10.1016/j.econedurev.2023.102437.

8. Evans D.K., Yuan F., Filmer D. Teacher Pay in Africa: Evidence from 15 Countries // World Development. 2022. Vol. 155. Art. 105893. DOI: 10.1016/j.worlddev.2022.105893.

9. Pham L.D., Nguyen T.D., Springer M.G. Teacher Merit Pay: A Meta-Analysis // American Educational Research Journal. 2021. Vol. 58, No.

10. P. 527–566.

11. Odden A.R., Picus L.O. School Finance: A Policy Perspective. 6th ed. New York: McGraw-Hill, 2020.

12. Al-Samarrai S., Lewis B. (eds.) The Role of Intergovernmental Fiscal Transfers in Improving Education Outcomes. Washington, DC: World Bank, 2021. DOI: 10.1596/978-1-4648-1693-2.

13. Шарафутдинова Д.А. Мактаб таълимини молиялаштиришнинг иқтисодий-меъёрий кўрсаткичлари тизими // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2020. №2.

14. Ўроқов У.Ю., Абдулазизов Ш.Б., Амирқулов Б.Р. Таълим тизимини молиялаштириш амалиёти // Science and Education. 2022. Vol. 3, No. 7.

15. Тураев О. Умумтаълим мактабларини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари // Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт. 2024. Vol. 2, No. 3.

16. Умаров Б.А. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим ташкилотларини молиялаштириш ва молия-хўжалик фаолиятини бошқариш: ривожланиш тенденциялари ва истиқболлар // Мактаб таълими: муаммолар, изланишлар, ечимлар. 2026. №1. Б. 90–94.

17. Умаров А.Ё. Наманган вилоятида умумтаълим муассасаларини молиялаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва бюджет тузилиши // Молия ва банк иши. 2026. №3. Б. 81–85.

18. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим (2025/2026 ўқув йили бошига). Пресс-релиз, 31.03.2026.

19. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (2025 ва 2026 йил январь–июнь ойлари). stat.uz

20. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги. Фуқаролар учун бюджет (2023–2026 йиллар нашрлари).

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-91 (02.06.2025) ва ПФ-115 (23.06.2026) фармонлари; ПФ-134 (11.05.2022) фармони; Вазирлар Маҳкамасининг 572-сон қарори (17.09.2021). Lex.uz.